

Хамдамов Шавкат Комилович

Тошкент молия институти доценти, PhD

Иванова Наталия Георгиевна

*Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети “Молия” кафедраси
мудир, и.ф.д., проф.*

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИ (МДХ) МАМЛАКАТЛАРИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада МДХ мамлакатларида пенсия таъминотининг ўзига хос хусусиятлари, унинг асосий турлари, МДХ мамлакатларида пенсия таъминоти билан боғлиқ амалдаги ҳолатнинг таҳлили, фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган ислоҳатларнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Мақолада МДХ мамлакатларида пенсия таъминоти учун талаб этиладиган пенсия ёши, пенсия миқдорларининг мамлакатда белгиланган минимал истеъмол савати билан боғлиқлиги кўрсаткичи таҳлили келтириб ўтилган. Шунингдек, аёллар ва эркекларнинг пенсия таъминотига мурожаат қилиш ёши ва иш стажи ўрганилган.

Калит сўзлар: пенсия, пенсия таъминоти, пенсия ислоҳатлари, иш стажи, бандлик, демография.

Khamdamov Shavkat Komilovich,

*PhD, Associate Professor of the Department of Finance, Tashkent Institute
of Finance*

Ivanova Natalia Georgievna

*Head of the Department of Finance, St. Petersburg State University of
Economics, Doctor of Economics, prof.*

PENSION IN THE COUNTRIES OF THE COMMONWEALTH OF INDEPENDENT STATES (CIS): PROBLEMS AND SOLUTIONS

Abstract. The article examines the features of pension provision in the CIS countries, its main types, analysis of the current situation with pension provision in the CIS countries, the existing problems of pension provision for citizens and the main directions of reforms aimed at solving them. The article provides information on the retirement age required for retirement in the CIS countries, analyzes the relationship between the size of the pension and the minimum consumer basket established in the CIS countries. The article also examined the age and seniority of women and men applying for retirement benefits in different countries.

Keywords: pension, pension provision, pension reforms, work experience, employment, demography.

Кириш

“Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий ҳимоянинг минимал даражалари тўғрисида”ги тавсияларида”[1], барча мамлакатлар ўз фуқаролари учун минимал ижтимоий ёрдамнинг базавий даражасини кафолатлашига эришиши лозимлиги таъкидланган бўлиб, ўз навбатида, ижтимоий ёрдамнинг базавий даражасини кафолатлаш фуқароларнинг

пенсия таъминотини ҳам назарда тутди ва иқтисодий ислоҳотлар шароитида инсон учун муҳим ижтимоий кафолат сифатида намоён бўлади. Жаҳон банки томонидан 1994 йилда нашр этилган “Глобал қариш инқирозидан огоҳлантириш”[2] номли ҳисоботдан сўнг, дунёнинг кўпгина мамлакатларида пенсия таъминоти билан боғлиқ ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Жаҳонда юзага келаётган демографик ўзгаришлар, шу жумладан, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ўсиб бориши натижасида пенсия таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ўрганишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Тадқиқотларда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга оид масалалар кенг ёритилган бўлса-да, бироқ, фуқароларни муносиб турмуш кечириш меъёрларига мос келувчи пенсия миқдорларини шакллантириш, фуқароларнинг пенсия таъминоти билан қамров даражасини ошириш, ижтимоий суғурта тизимида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш асослари етарлича очиб берилмаган.

Адабиётлар шарҳи

Мамлакат фуқароларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг пенсия таъминоти масалалари қатор хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларда пенсия таъминотида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимларига оид муаллифлар фикр-мулоҳазалари қайд этилган.

А.В. Вахабов, Н.М. Мажидовлар ўз илмий изланишларида пенсия таъминотининг молиявий ресурсларини қайта тақсимлашнинг йирик оқими ҳисобланишини, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурс ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатишини қайд этганлар [3].

Р.И. Беляева ўз илмий асарларида: “Пенсия таъминоти – бу қариллик, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик ҳолати рўй берганда аҳоли тоифаларини ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий-маъмурий ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизимидир[4]” деб таъкидлаб ўтганлар.

В.И. Тарасов ўз илмий изланишларида пенсия таъминотини ижтимоий адолат тўғрисидаги замонавий ғояларнинг ажралмас таркибий қисми ва замонавий дунёнинг энг мураккаб муаммоларидан бири эканлигини қайд этган ҳолда, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби муайян мамлакат қонунчилигига мувофиқ, вақти-вақти билан реал сиёсий ва молиявий шароитлар билан тартибга солиб туриладиган анъаналарга асосланиб тартибга солинишини ва ўзгартиришини қайд этган [5].

Б.С.Маматов ўз илмий изланишларида МДҲ мамлакатларида пенсия таъминотининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг илғор тажрибаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Унда ҳар бир мамлакатнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ фаолияти ўрганилган [6].

П.Хан, Д.Кемптнер, Х.Люзенлар ўз тадқиқотларида 65 ёшгача умр кўриш ва умр кўриш давомийлиги ўртасида узвий боғлиқликни тадқиқ қилишган. Уларнинг таъкидлашича, ўртача умр кўриш давомийлиги пенсия тизими учун муҳим ва тегишли тақсимловчи оқибатларга эга: умрнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда пенсия тизимидаги имтиёзлар ва

устуворликлар ўртасидаги яқин муносабатларга қарамай, регрессив эканлигини аниқлашган [7].

Д.Чен, Р.Битсма, С.Вижнберглар ўз илмий изланишларида пенсия таъминоти схемаларини одатда ўз иштирокчиларининг сотиб олиш қобилиятини ҳимоя қилишга интилишини, аммо бозорда рақобатнинг тўлиқ бўлмагани сабабли инфляция хавфини тўлиқ суғурта қилишнинг иложи бўлмаганда, улар буни тўлиқ амалга ошира олмаслигини таъкидлайдилар. Шунингдек, инфляция хавфининг бозор баҳосисиз, пенсия шартномасининг қиймати инвесторнинг хоҳишига ва инфляция хавфига боғлиқ бўлмаслигини қайд этиб, режасиз инфляция хавфини икки манбасини ҳисобга олиш учун баҳолаш тизимини ишлаб чиқишган: истеъмол нархлари инфляциясининг умумий хавфини олдини олиш учун воситаларнинг йўқлиги ва умумий иқтисодий тўпламдаги истеъмолчилар пакетидаги фарқларнинг мавжудлиги. Инфляция хавфини ҳимоя қилиш учун молиявий воситаларнинг йўқлиги умр бўйи фаровонликни истеъмолнинг 6% гача, ишончнинг эквивалентига, хавфларни рад этишнинг умумий даражаси учун камайтиришга имкон беришини аниқлашган [8].

Кўриниб турибдики “пенсия таъминоти” масалалари асосан мамлакатда амалда бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий институтлар ва меъёрлар мажмуаси бўлиб, давлат томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ва шартларда фуқароларни пенсия шаклидаги пул тўловлари билан қўллаб-қувватлашни кўзда тутади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани тайёрлаш жарёнида эмпирик таҳлил, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, таққослаш, истиқболли прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Мамлакатда аҳолининг пенсия таъминоти даражаси устувор равишда ижтимоий ҳимоя тизимининг қай даражада ривожланганлиги ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Ҳар иккала омил, ҳамда пенсия таъминоти даражаси мамлакатдаги тарихий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади. Пенсия тизимларини ташкил этишга доир қонунчилик меъёрларида алоҳида тамойиллар қайд этилмаган ва фикримизча пенсия таъминотининг асосий коидалари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- аҳолини максимал даражада пенсия тизимига қамраб олиш;
- пенсия юқини пенсия тизими субъектлари ўртасида адолатли тақсимлаш;
- қариликда йўқотаётган даромадини маблағ билан таъминлаш;
- етарли меҳнат стажига эга бўлмаган фуқаро тоифалари, боқувчисини йўқотган фуқароларни камбағалликдан ижтимоий ҳимоя қилиш;
- инфляция, иш ҳақларининг ошиши ва ҳаёт сифатининг кўтарилиши каби омилларни ҳисобга олган ҳолда пенсияларни индексация қилиш.

Пенсия тизимларини ташкил этишнинг халқаро тажрибалари шуни

кўрсатмоқдаки, бугунги кунда оптимал бўлган пенсия таъминоти тизимлари мавжуд эмас, чунки миллий пенсия тизимларининг амал қилишининг макроиктисодий ва ижтимоий-маданий муҳити ҳам ўзгармоқда. Пенсия тизимларини оптимал тузилиши, маълум бир давлатни аниқ бир даврда уни демографик, иктисодий ва ижтимоий-маданий ҳолатига, шунингдек, ушбу давлат ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига мос бўлишини таъминлайди.

ХМТнинг 1952 йилда қабул қилинган “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги (№102), 1967 йилда қабул қилинган “Қарилик бўйича, ногиронлик бўйича ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар тўғрисида”ги (№128) Конвенциялари ва улар асосида тузилган ХМТнинг “Ижтимоий ҳимоянинг минимал даражалари тўғрисида”ги тавсиялари (№202), кексаликда даромад олиш, кафолатланган даромадни таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматлардан фойдаланиш учун зарур ва етарли бўлган ижтимоий таъминот имтиёзларини ва даражасини белгилайдиган тавсия этилган халқаро меъёрлар тўпламини ташкил этади. Айтиб ўтилган меъёрларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини амалга оширишда умумий қамровни таъминлаш мақсадида кекса ёшдаги аҳолининг барчасини қамраб олишни таъминлашга қаратилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Ушбу конвенция ва тавсияларда келтириб ўтилган меъёрларни умумлаштириш орқали, уларда келтирилган фуқароларнинг ёшга доир пенсия таъминоти билан боғлиқ меъёрлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида ҳам охириги йилларда пенсия таъминоти бўйича қатор ислохотлар ўтказилмоқда. МДХ давлатларидаги пенсия таъминотининг асосий муаммолари таркибига шахсий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг ривожланмаганлиги, пенсия миқдорларининг юқори эмаслиги ва уларнинг ХМТнинг 102-сон “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари ҳақида”ги Конвенциясида[10] кўрсатилган минимал 40%ли қоплаш коэффициентига мос эмаслиги, баъзи давлатларда пенсия миқдорларининг яшаш минимуми билан мувофиқлаштирилмаганлиги, аҳолини пенсия таъминоти билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги, иктисодиётда иктисодий фаол аҳолининг расмий бандлиги даражасининг пастлиги, ишсизликнинг мавжудлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларининг юқори эмаслиги, мамлакатлар демографик ҳолатининг ўзгариши кабиларни келтириш мумкин.

**МДХ давлатларида ёшга доир пенсия таъминоти билан боғлиқ
ислохотлар ва уларнинг кўрсаткичлари [9]**

Мамлакат номи	Пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат(суғурта) стажи		Умумий асосларда пенсияга чиқиш ёши		Ўртача умр кўриш давомийлиги, йил	
	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Озарбайжон	Шаҳсий ҳисобрақамдаги суғурта капиталини қутилаётган пенсия тўловлари ойларига бўлиш натижаси ¹		1.07.2018 йилдан		73,1	77,8
			63 йил 6 ой	60 йил 6 ой		
			1.07.2019 йилдан			
			64 йил	61 йил		
			1.07.2021й.	1.07.2027		
65 йил	65 йил					
Арманистон	10 йил		63 йил		71,9	78,7
Белорусия	1.01.2019 йилдан		1.01.2019 йилдан		69,3	79,2
	17 йил		61 йил 6 ой	56 йил 6 ой		
	1.01.2025 йилдан		1.01.2022 йилдан			
	20 йил		63 йил	58 йил		
Грузия	5 йил		65 йил	60 йил	73,8	80,8
Қозоғистон	25 йил	20 йил	1.01.2019 йилдан		68,7	76,9
			63 йил	5 йил		
				1.01.2027 йилдан		
63 йил						
Қирғизистон	25 йил	20 йил	63 йил	58 йил	67,2	75,4
Молдова	15 йил		1.07.2018 йилдан		69,4	77,0
			62 йил 8 ой	58 йил		
			1.07.2019 йилдан			
			63 йил	58 йил 6 ой		
				1.01.2028 йилдан		
63 йил						
Россия	1.01.2019 йилдан		1.01.2019 йилдан		67,5	77,6
	10 йил		60 йил 6 ой	55 йил 6 ой		
	1.01.2024 йилдан		1.01.2023 йилдан			
	15 йил		65 йил	60 йил		
Тожикистон	25 йил	20 йил	63 йил	58 йил	73,0	76,9
Ўзбекистон	7 йил		60 йил	55 йил	71,3	76,1
Туркманистон	5 йил		62 йил	57 йил	64,7	71,7
Украина	1.01.2019 йилдан		1.01.2019 йилдан		67,0	76,8
	26 йил	60 йил	59 йил (1.04.1960-30.09.1960 даврда туғулганлар учун)			
			1.01.2021 йилдан			
	28 йил	60 йил	60 йил (1.04.1961 йил ва ундан кейинги даврда туғулганлар учун)			
1.01.2028 йилдан						
35 йил						

¹Ушбу натижа минимал белгиланган пенсиядан ошса ёки тенг бўлса, шахс суғурта стажидан қатъий назар пенсия олиш ҳуқуқини олади. 2021 йилнинг 1-декабрь ҳолатида ёшга доир пенсиянинг минимал миқдори 200 манат ёки валюта курси бўйича 117,65 АҚШ долларига тенг.

МДХ давлатларидаги пенсия таъминоти борасидаги ислохотлар ўзига ҳос мамлакат принципларига асосланганлигини кўришимиз мумкин. Деярли МДХ давлатларининг кўпчилигининг пенсия таъминоти борасидаги ислохотларида пенсия ёшини ошириш, минимал талаб этиладиган меҳнат стажи меъёрларини ошириш билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Бу ислохотларнинг асосий мақсади мамлакатларда демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган (1-жадвалга қаранг).

2-жадвал

МДХ давлатларида пенсия ёшидаги фуқаролар учун тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдор, расмий белгиланган энг кам пенсия ва ўртача ёшга доир пенсия миқдорлари (2021-январь ҳолатида) [11].

№	Мамлакат	Расмий белгиланган пенсионер учун тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдор		Пенсия ёшидаги фуқаро учун расмий белгиланган энг кам бир ойлик пенсия миқдори		Ўртача тайинланган пенсия миқдори	
		АҚШ долларларида	Мамлакат миллий валютасида	АҚШ доллари да	Мамлакат миллий валютасида	АҚШ долларларида	Мамлакат миллий валютасида
1	Озарбайжон	117,65	200 манат	117,65	200 манат	175,29	298 манат
2	Арманистон	55	26500 драмм	55	26500 драмм	83,51	43800 драмм
3	Белоруссия	82,23	184,20 Белорусс рубли	115	229,05 Белорусс рубли	199,46	446,8 Белорусс рубли
4	Грузия	65	199 лари	65	199 лари	78,85	220 лари
5	Қозоғистон	77,41	29500 тенге	106,12	40441 тенге	225,10	85785 тенге
6	Молдова	97,13	1726 лей	63	1079,33 лей	103,66	1842 лей
7	Россия	138,99	9311 рубль	141,36	9469,64 рубль	229,89	15400,33 рубль
8	Туркманистон	80	280 манат	96,57	338 манат	103	360,5 манат
9	Украина	66,69	1638 гривень	66,69	1638 гривень	122,96	3020 гривень
10	Қирғизистон	66,04	4613,19 сом	61,31	4283 сом	83,32	5820 сом
11	Тожикистон	19	180 сомони	19	180 сомони	31,30	303 сомони
12	Ўзбекистон	48,99	466680 сўм*	48,99	466680 сўм**	75,67	720900 сўм

Изоҳ: *Тирикчилик учун зарур энг кам миқдоррасман белгиланмаган, фақатгина расмий равишда энг кам пенсия миқдори белгиланган;

**2021 йилнинг 1-декабрь ҳолатида Ўзбекистон Республикасида умумбелгиланган стажга эга бўлган фуқаронинг ёшга доир энг кам пенсияси 623000 сўмни ташкил этмоқда.

Юқорида келтирилган 2-жадвалда МДХ давлатларида пенсия ёшидаги фуқаролар учун расмий белгиланган энг кам миқдордаги пенсиялар ва ўртача ёшга доир пенсия миқдорлари келтирилган. Маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимини яхшилаш, хусусан, пенсия ёшидаги фуқаролар учун белгиланадиган энг кам пенсия миқдорларини расмий равишда ҳисоб-китоб қилинадиган тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорларга мувофиқлаштирган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга айтиб ўтиш лозимки, тирикчилик учун зарур бўлган минимал меъёрларнинг юқорилиги озиқ-овқат маҳсулотлари, коммунал хизматлар, дори-дармон ва товарлар баҳоларининг

ҳам қимматлилигини ҳам билдиради.

Ўйлаймизки, МДХ мамлакатлари ўз пенсия тизимини ривожлантиришда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақини имконият даражасида ошириб, фуқароларни ўз пенсиялари учун қўшимча жамғариш имкониятларини яратиши, рағбатлантириш механизмларини жорий этиш орқали яширин иқтисодиётда банд бўлган, расмий равишда ишламайдиган аҳоли қатламларини расмий бандлигини таъминлаш ва уларни пенсия таъминоти тизимига жалб этиши, ўзини банд этган фуқаролар, фарзанд тарбияси билан банд бўлган, чет элда меҳнат билан банд бўлган, ногиронларни парвариши билан банд бўлган фуқароларни пенсия таъминотига жалб этишни рағбатлантирувчи ва имтиёзли механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

1. Пенсия миқдорларини пенсионерларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга етарли бўлиши, қолаверса пенсионерларнинг истеъмол савати билан боғлиқ “тирикчилик минимуми” даражасига етказиш мақсадида МДХ давлатларида уч даражали пенсия тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

2. Мамлакатларда пенсия таъминотининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида “параметрик” ва “тузулмавий” ислохотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида узлуксиз ва узоқ муддатли иштирокини рағбатлантириш мақсадларида фуқаронинг ёшга доир пенсия таъминоти ҳуқуқини иш стажидавомийлиги ва пенсия ёши билан боғлиқликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

3. Яширин иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг расмий фаолият юритишини таъминлаш, миграция соҳасидаги бандликни пенсия таъминоти қамровини ошириш, ўз-ўзини банд қилган аҳолининг пенсия қамровини ошириш ҳисобига базавий пенсия миқдорини ҳисоблашда олинадиган ўртача иш ҳақлари миқдорининг чегарасини белгилаш амалиётидан босқичма-босқич воз кечиш, ижтимоий адолат принципларини таъминлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий ҳимоянинг минимал даражалари тўғрисида”ги тавсиялари №202. Женева. 14 июнь 2012 йил.

2. Averting the old age crisis. A World Bank Policy Research Report. Published for the World Bank Oxford University Press. New York.1994 у. <http://documents.worldbank.org/curated/en/973571468174557899/pdf/multi-page.pdf>

3. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. “Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли” Монография. Тошкент., Университет. 2017 й. 127 б.

4. Р.И.Беляева “Пенсионное обеспечение”. Учебно-методическое пособие– М.: Издательство “Перо”, 2017. с. 5.

5. В.И. Тарасов “Формирование новой социально-экономической системы пенсионного обеспечения”. автореферат диссертации на соискании учёной степени кандидата экономических наук. 1999 г. с.3

6. Б.Маматов ва бошқалар “Чет мамлакатлар пенсия тизими”. Дарслик. “Iqtisod-moliya” нашриёти. 2019 й. 348 б.

7. Peter Naan, Daniel Kemptner, Holger Lüthen, The rising longevity gap by lifetime earnings – Distributional implications for the pension system, The Journal of the Economics of Ageing, 2019, 100199.

(<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212828X18301452>)

8. D.H.J. Chen, R.M.W.J. Beetsma, S.J.G. van Wijnbergen, Unhedgeable inflation risk within pension schemes, Insurance: Mathematics and Economics, Volume 90, 2020, Pages 7-24.

(<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0167668719304056>)

9. www.apsf.ru - Халқаро пенсия ва ижтимоий жамғармалар ассоциацияси расмий сайти маълумотлари.

10. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1952 йил 4 июндаги “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли конвенцияси

11. Хамдамов Ш.К. “Пенсия таъминотининг хориж тажрибаси”. “Логистика ва иқтисодиёт” электрон илмий журналі. 2021 й. 4-сон, 285 б.

12. United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2019). World Population Prospects 2019: Highlights (ST/ESA/SER.A/423).